

## **БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРДА МАДАНИЙ ДУНЁҚАРАШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ**

**Холбўтаева Дилфуза Усмон Қизи**

ЎзПФИТИ таянч докторанти

### **ANNOTATSIYA**

Бўлажак ўқитувчиларда рефлексив қўникмларни ривожлантириш асосида маданий дунёқараши таркиб топтиришга йўналтирилган педагогик жараённи ташкил этишда муайян омилларни ҳисобга олиш талаб қилинади.

Чунки талабаларда шакллантириладиган рефлексив қўникмалар уларга ўз-ӯзи ва ўзбек халқининг маданий моделлари моҳиятини англаш, ўз маданий дунёқарашини аниқ билимлар, далиллар, стреотиплар, концепциялар билан бойитиш имконини беради. Шу билан бир қаорда мазкур моделлар бўлажак ўқитувчиларга ўз касбий мавқеъларини аниқлаш, ўз қарашларини далиллаш, ўз ҳатти-ҳаракатлари, феъл-атворларини миллий-маданий моделларга мослаштиришларига кўмаклашади. Бу жараёнда профессор-ўқитувчилар маданий моделлар ва концепцияларни ўзида мужассамлаштирган ўқув материаллари ва когнитив технологиялардан фойдаланишлари назарда тутилади. Талабаларга тақдим этиладиган ўқув материаллари уларнинг ҳатти-ҳаракатларини маданий қарашларга мослаштириш имкониятига эга бўлиши лозим. Маданий воқеликка нисбатан турли-туман ёндашувларни таҳлили қилиш, маданий обьектларни ўзаро таққослаш, ўзига хос жиҳатларини фарқлаш, улар орасидаги ўзаро алоқадорликни тушуниш, китоб мутолааси ёрдамида ўз маданий дунёқарашини ривожлантиришга йўналтирилган педагогик фаолият қўламини кенгайтириш назарда тутилади.

Бўлажак ўқитувчиларда маданий обьектларни танқидий баҳолаш, уларни рефлексиялаш кўникмаларига эга бўлиш алоҳида аҳамият касб этади. Бундай фикрлаш бўлажак ўқитувчиларнинг маданий дунёқарашини кенгайтиради. Бўлажак ўқитувчиларда рефлексив кўникмаларни ривожлантириш асосида маданий дунёқараши шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараёнда талабаларда билиш фаоллиги таркиб топади. Бўлажак ўқитувчиларнинг маданий дунёқарашини ривожлантиришга йўналтирилган педагогик жараённи инновatsion ёндашувлар асосида ташкил этиш бу соҳада самарадорликка эришиш имконини беради. Бўлажак ўқитувчиларда рефлексив кўникмаларни шакллантириш натижасида уларнинг ички олами, маданий тафаккури, дунёқараши тизимли тарзда ривожланади.

Рефлексив фаолият натижасида бўлажак ўқитувчилар маданий-педагогик жараёнларни ташкил этиш, режалаштириш, лойиҳалаш, ташкил қилиш, баҳолаш, такомиллаштириш кўникмасига эга бўладилар. Мазкур вазиятларда бўлажак ўқитувчиларнинг маданий-педагогик фаолият усулларини эгаллаш имкониятлари кенгаяди. Бундай усуллардан бўлажак ўқитувчилар истиқболдаги педагогик фаолиятларида самарали фойдаланиш кўникмасига эга бўладилар. Шунга кўра бўлажак ўқитувчиларда рефлексив ёндашув асосида маданий дунёқараши ривожлантиришнинг педагогик моҳияти яққол намоён бўлади. Бунинг натижасида бўлажак ўқитувчилар ўзлари ва гуруҳдошларининг ҳатти-ҳаракатларини таҳлил қилишга муваффақ бўладилар.

Бўлажак ўқитувчилар томонидан шахснинг маданий дунёқараш билан боғлиқ ҳаракатларининг таҳлил қилиниши унинг руҳий кечинмалари, маданий дунёқараши ички руҳий ҳолатлари билан бевосита боғлиқ. Улар ўзларининг маданий дунёқарашларидан келиб чиқсан холда ўқувчиларнинг ҳатти-ҳаракатларини кузатиш ва муносиб баҳолаш тажрибасига эга бўладилар. Мазкур жараёнда профессор ўқитувчилар билан талабалар орасида ўзаро маданий муносабат модели шаклланади. Мазкур модел босқичма-босқич бўлажак ўқитувчининг касбий компетенцияси таркибига кириб, истиқболда унинг

ўқувчилар билан амалга ошириладиган муносабатлари характерини белгилайди. Натижада, ўқитувчи ва ўқувчилар орасида тескари алоқа, билиш фаолиятининг оралиқ шаклларини кўллаш имкониятлари вужудга келади.

Мутахассисларнинг рефлексив ёндашувни қўллашга оид қарашларига таянган ҳолда ўқитувчи-ўқувчи муносабатларини маданий нуқтаи назардан такомиллаштириш, уларнинг ҳар иккаласида диалоги мунасобатлар маданиятини таркиб топтиришнинг педагогик йўналишларини аниқлаш бугунги кунда адлоҳгода долзарблиқ асб этмоқда. Бўлажак ўқитувчиларнинг ўзлаштирган педагогик билимлари, тажрибалари ва маданиятга оид билимларига таянган ҳолда уларда маданий дунёқарашнинг аниқ механизмларини ишлаб чиқиши талаб қилинмоқда. Талабаларнинг ўкув жараёнидан ташқаридаги маданиятга оид билимлари ижтимоий тармоқлар, шахслараро муносабатлар, мустақил мутолаа ёрдамида ривожланади.

Бўлажак ўқитувчиларга хос бўлган хулқ-атвор меъёрлари, касбий билимлар ҳам уларнинг маданий дунёқарашини ривожлантиришга сезиларли таъсир кўрсатади. бўлажак ўқитувчиларга хос хулқ-атвор стреотипларини рефлексиялаш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, бўлажак ўқитувчининг касбий ривожланишида уларнинг маданий дунёқараш мухим аҳамият касб этади.

Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий-маданий билимларни ўзлаштириш жараёнлари ва уни ташкил этиш стратегияларини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, ўзининг мазмун-моҳиятига кўра касбий-маданий фаолият ҳисобланади. Мазкур фаолиятнинг шаклланиши ва ривожланишида маданий дунёқараш мухим ўрин эгаллайди. мазкур эҳтиёж туфайли бўлажак ўқитувчиларда касбий-маданий дунёқараш шакллантирилади. Мазкур дунёқараш ўз ичига:

- ўзбек халқининг кўп асрлик маданий бойликлари;
- инсоният томонидан яратилган маданий стреотиплар,
- инсонпарварлик ва бағрикенглик;
- нутқ ва мулокот маданияти;

- педагогик одоб ва педагогик такт;
- юриш-туриш, кийиниши ва ўзини тутиш каби ахлоқий меъёрлар;
- ҳамкаслар ва жамоадошлари орасида ўзаро касбий мулоқот меъёрларини кўрсатиш мумкин.

Бўлажак ўқитувчилар педагогик жараёнлар ва мустақил билим олиш давомида мазкур меъёрларни пухта ўзлаштиришлари талаб этилади. Бунинг учун улар турли манбалар, айниқса, тарихий меросга мурожаат қилиш тажрибасига эга бўлишлари, мавжуд маданий стреотипларни рефлексиялай олишлари муҳим ҳисобланади. Аждодларимиз ва дунёдаги ривожланган халқларнинг тарихий-маданий, касбий-маданий қарашларини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, ўзбек халқи ҳам ўз тарихий тараққиёти давомида педагогик одоб ва маданиятни юксалтиришга хизмат қиласидиган улкан меросга эга экан.

Мутафаккир аждодларимиз Шайх Хованди Тоҳур, Хўжа Ахрор Валий, Баҳоуддин Нақшбанд, Ҳусайн Воиз Кошифий, Носируддин Тусий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоийлар устоз-шогирд муносабатлари, ўқитувчининг одоби, касбий маданияти ҳақида бир қатор фундаментал ҳарактердаги қаршларни илгари сурғанлар. Жумладан, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Футувватномаи султоний” асарида ўқитувчининг қандай сифатларга эга бўлиши лозимлиги ҳақида қимматли маълумотлар берилган: “Агар комил устоз ким деб сўрасалар, у пок мазҳабли, ўз айбини кўрадиган, доно ва тамийизли кишидир, деб айтгил. Унда ҳасад, гина ва баҳилликдан асар ҳам бўлмаслиги керак”. Бундай қимматли фикрларни бўлажак ўқитувчилар онгига етказиш орқали уларда касбий-маданий дунёқарашни ривожлантиришнинг педагогик имкониятларини кенгайтириш мумкин.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ: (REFERENCES)**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 февралдаги “Маданият ва спорт соҳасида бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ти ПФ– 4956-сонли Фармони.

2. Кошифий X.B. Футувватномаи султоний ёхуд жавонмардлик тариқати. (тарж. Н.Комилов). –Т.:1997. – 221 б.
3. Safarova Roxat Gaybillaeva. CULTURAL APPROACH AS A PRIORITY DIRECTION OF THE EDUCATIONAL SYSTEM OF UZBEKISTAN. Galaxy International Interdisciplinary Research Journal, 10(6), 1000–1004. Retrieved from <https://internationaljournals.co.in/index.php/giirj/article/view/2289>
4. Сафарова Р.Г. Мутафаккир аждодларимиз мероси таълим олувчилаарни интеллектуал маънавий ва маданий жиҳатдан ривожлантириш манбай // Педагогика.- Тошкент. 2022 йил 5-сон. – Б. 14-18
5. Машарипова Н.Р. Аждодларимиз мероси воситасида ўқувчи-ёшларда маънавий сифатларни ривожлантиришнинг педагогик аҳамияти. Педагогика илмий-назарий ва методик журнал. - Ташкент. 2022 йил 5-сон. – Б. 6-9